



Ислом Нури

Саккизинчи асос:

Гуноҳ бўлмаган ишларда амирларга итоат этишнинг фарзлиги

Модомики, гуноҳ ишларга буюрмас эканлар, мусулмон амирларга итоат этиш “аҳлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан биридир. Агар гуноҳ ишга буюрсалар уларнинг бу амрларига итоат қилинмайди. Бошқа, гуноҳсиз ишларда эса Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларига биноан уларга итоат қилинади: **“Эй мўминлар, Оллоҳга итоат қилингиз, ва пайгамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса хақида талашиб қолсангиз, — агар хақиқатан Оллоҳга ва охираг қунига ишонсангиз — у нарсани Оллоҳга ва пайгамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир.”** (Нисо: 59).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу сўзлари ҳам “аҳлуссунна вал-жамоа”нинг эътиқодини қувватлайди: “Менга итоат қилган киши Аллоҳга итоат қилибди. Менга осий бўлган киши Аллоҳга осий бўлибди. Амирга итоат қилган киши менга итоат қилибди. Амирга осий бўлган киши менга осий бўлибди” (Муттафақун алайх).

“Сизларга боши майиз каби хабаш қул амир бўлса ҳам унга қулоқ солиб, итоат этинглар!” (Имом Бухорий ривояти)

“Тарчи орқангга саваланса ҳам, молингни тортиб олинса ҳам қулоқ солиб итоат этасан. Амирингга итоат эт!” (Имом Муслим ривояти).

“Амирининг бирон нарсасини ёқтирмаган одам сабр қилсин. Чунки амирига итоатдан бир қарич бўлса ҳам чиқиб, шу ҳолда ўлган одам факат жоҳилият ўлими билан ўлади” (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

Амирларга гуноҳ бўлмайдиган нарсаларда итоат этиш “ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан биридир. Шунинг учун салаф имомлари буни эътикод ичига кўшиб кўйдилар. Эътикод хақидаги китобларнинг барчасида бунинг тақрири, шарҳи ва баёни бордир. Бу итоат ҳар бир мусулмон учун шаръан фарзидир. Чунки у ислом давлатида интизомнинг вужудга келишида асосий ишдир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” яхши бўлсинлар, ёмон бўлсинлар халифалар орқасида кундалик, жума ва ҳайит намозларини ўқиш ва улар билан биргаликда амри маъруф, нахий мункар, жиход ва ҳаж килиш, зохирлари дуруст бўлса улар хақида яхшилик билан дуо килиш жоиз деб биладилар ва куфр бўлмаган гуноҳларни қилсалар уларга қурол билан қарши чиқишни ҳаром қилиб, расулulloх соллalloху алайҳи ва салламдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, очик куфр содир бўлмагунча сабрли бўлиш фитна вақтида ўзаро жанг қилмаслик ва насиҳат қилишга даъват этадилар.

Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам дедилар:

“Имомларингизнинг яхшироғи сизлар яхши кўрган ва сизларни ҳам яхши кўрган, сизларга жаноза намози ўқиган, сизлар ҳам уларга жаноза намози ўқиганларингиздир. Имомларингизнинг ёмонроғи сизлар ёмон кўрган ва сизларни ҳам ёмон кўрган, сизлар лаънат қилган ва сизларни ҳам лаънат қилганларидир”. Саҳобалар: “Уларга қилич билан қарши турамизми.” — дедилар. Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам: “Модомики, сизларнинг ичингизда намозни қилганлар эканлар. Йўқ. Агар ўз амирларингизда ёқтирмаган нарсаларни кўрсангиз, ўша ишини ёмон кўринг. Лекин итоатсизлик қилманг!” — дедилар.

Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам дедилар: “Сизларга амирлар



Ислом Нури

таъйин қилинади. Сизлар улардан яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрасизлар. Ким (уларнинг ёмонликларини) ёмон кўрса, улардан безор бўлибди ва гуноҳларига шерик бўлмабди. Ким (уларнинг ёмонликларини) инкор этса, (бу гуноҳ укубатидан) кутулибди. Бирок, уларнинг ёмонликларига рози бўлган ва эргашган киши (ундай эмасдир)”. Саҳоблар: “Ё расулуллоҳ, улар билан уруш қилайликми.”— деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Модомики, намоз ўқир эканлар, йўқ”— деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

Бирок, гуноҳ ишларда имомларга итоат қилинмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Модомики гуноҳларга буюрилмас экан мусулмон одам яхши ва ёмон кўрган нарсаларда (амирларга) кулок солиб, итоат этиши фарздир. Агар гуноҳга буюрилар экан, кулок солиш ва итоат этиш йўқдир” (Имом Бухорий ривояти).

“Аллоҳга осий бўлиб амирга итоат йўқдир. Итоат яхши ишлардадир” (Муттафақун алайх).

Имом (халифа) ўзини кўл остидаги одамларни тарбиялаш, Аллоҳнинг дини ва шариатига хизмат қилиш ва Аллоҳнинг жазоларини барчага ижро этиш учун Аллоҳ таоло танлаган ходим деб билиши керак. Имом Аллоҳ йўлида маломатлардан кўркмайдиган кучли, умматнинг дини, қони, моли, номуси, манфаати, осойишталиги ва барча нарсаларига омонатдор бўлиши ва ўзи учун қасос олмаслиги, балки, қазаби Аллоҳ розилиги учун бўлиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ бир қавмга етакчи қилиб қўйган банда уларга хиёнат қилган ҳолда ўлса, Аллоҳ унга жаннатни харом қилади” (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

Тўққизинчи асос:

“Аҳлуссунна вал-жамоа”нинг сахобалар, аҳли байт — хонадон аҳллари ва халифалик хақидаги эътиқоди

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг сахобаларини севиш ва уларга нисбатан калб ва тилларни саломат тутиш, “аҳлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан биридир. Чунки сахобалар одамлар ичида иймони, эхсони, тоат-ибодати ва жиходи кўп бўлган кишилар бўлиб, Аллох таоло уларни ўз пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга суҳбатдош бўлиш учун танлаб олди. Улар ўзларидан кейингилар етиша олмайдиган имтиёзга эга бўлдилар. У имтиёз — расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни кўриш ва у зот билан бирга яшаш эди.

Саҳобаларнинг барчаси Аллох сўнгра расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг тарбиялари билан адолатли, Аллох таолонинг авлиёлари (дўстлари) ва бандларнинг сараларидир. Улар бу умматнинг расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан кейинги энг афзалларидир. Аллох таоло деди: **“Мухожир ва ансорларнинг биринчи пешкадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлар — Аллох улардан рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Яна (Аллох) улар учун остидан анхорлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни таёрлаб қўйди. Мана шу буюк содатдир”** (Тавба: 100).

Саҳобаларнинг иймон ва фазл соҳиблари эканига гувоҳлик бериш, диндан экани зарурий маълум бўлган катъий асослардандир. Уларни яхши кўриш дин ва иймон, уларни ёмон кўриш эса куфр ва мунофиқликдир. “Аҳлуссунна вал-жамоа” уларни факат яхшилик билан тилга олади. Чунки расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам



Ислом Нури

хам уларни яхши кўрдилар ва уларни яхши кўришга васият килиб дедилар: “Аллохдан менинг сахобаларим хакида кўркинглар! Уларни мандан сўнг нишон килиб олманглар! Ким уларни яхши кўрса, унинг менга бўлган мухаббати билан яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, унинг менга бўлган нафрати билан ёмон кўрибди. Ким уларга озор берса, менга озор беради. Ким менга озор берса, Аллохга озор берган бўлади. Аллохга озор берган кимсани эса, Аллох тез кунда жазосини беради” (Шайх Албоний “Заъифу Сунанит-Термизий”)

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни кўрган ёки у зот билан суҳбатдош бўлган ва унга иймон келтирган киши суҳбатдошлиги бир йил ёки бир ой ёки бир кун ёки бир соат бўлса-да, сахобадир.

Дарахт тагида расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга байъат қилган ва сони бир минг тўрт юздан ортик бўлган сахобалардан биронтаси жаханнамга кирмайди. Чунки Аллох таоло улардан рози бўлди ва улар ҳам Аллохдан рози бўлдилар.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Дарахт тагида байъат қилган бирон киши жаханнамга кирмайди” — дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

“Ахлуссунна вал-жамоа” сахобалар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлардан кўз юмиб, уни Аллохга хавола қиладилар ва: “уларнинг қайси бири тўғри иш қилган бўлса унга икки ажр, қайси бири хато қилган бўлса бир ажр олади ва иншааллох, унинг хатоси кечирилгандир” — деб эътикод қиладилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” сахобаларнинг биронтасини ҳақоратли сўзлар билан тилга олмайди. Балки, уларни расулуллох соллаллоху



Ислом Нури

алайхи ва салламнинг куйидаги сўзларига биноан ўзларига лойиқ бўлган мактовлар билан тилга оладилар. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам дедилар: “Сахобаларимни ҳақорат қилманглар! Сахобаларимни ҳақорат қилманглар! Жоним кўлида бўлган зотга касамки, агар сизларнинг бирингиз Ухуд тоғича олтин инфок-эхсон қилса, улардан бирининг бир муд (бир ховуч) ёки ярим муд эхсонига ҳам баробар келмас!” (Имом Муслим ривояти)

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Сахобалар ҳатолардан маъсум эмас. Маъсумлик Аллох таоло ваҳийни етказиш учун танлаб олган пайгамбарларгагина хос. Аллох таоло шахсларни эмас, умматни жамланган ҳолда ҳато қилишдан саклади” — деб эътиқод қиладилар.

Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам дедилар: “Аллох таоло умматимни залолатга жам қилмади. Аллохнинг кўли жамоатдадир” (Шайх Албоний. “Сахиҳу Сунанит-Термизий”).

“Ахлуссунна вал-жамоа” тўрт саҳоба: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий разияллоху анхумлар бу умматнинг расулulloх соллalloху алайхи ва салламдан кейинги тўғри йўлга йўлланган халифалар бўлиб, уларга жаннат хабари берилган. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам зикр қилган нубувват халифалиги ўттиз йил давом этди ва имом Хасан разияллоху анхунинг халифалиги билан ниҳоясига етди ” — деб эътиқод қиладилар. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам дедилар: “Менинг умматимда халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳлик бўлади” (Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” улардан сўнг расулulloх соллalloху алайхи ва саллам жаннатга киришларидан башорат берган ўн саҳобанинг қолганларини афзал қўрадилар. Улар: Талха ибн Убайдуллох, Зубайр



Ислом Нури

ибн ал-Аввом, Саъд ибн Аби Ваккос, Саид ибн Зайд, Абдуррахмон ибн Авф ва бу умматнинг амини — омонатдори Абу Убайда ибнул Жаррохдир. Аллох уларнинг барчасидан рози бўлсин. Улардан кейинги афзаллари Бадр жанггида иштирок этганлари, улардан кейингилари дарахт тагида “Ризвон” (розилик) байъатида иштрок этган саҳобалар, улардан кейингилари эса колган барча саҳобалардир. Саҳобаларни севган, улар учун хайрли дуолар килган, уларнинг хакларини риоя килган ва афзалликларини билган одам зафар кучган одамдир. Уларни ёмон кўрган ва хакорат килган одам эса, халок бўлган одамдир.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” расулуллох соллалоху алайхи ва салламнинг сўзларига биноан расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хонадонини яхши кўрадилар: “Мен сизларга ўз хонадоним (хаккини риоя этишингиз) хакида Аллох таоло(дан кўркишингиз)ни эслатаман. Мен сизларга ўз хонадоним (хаккини риоя этишингиз) хакида Аллох таоло(дан кўркишингиз)ни эслатаман!” (Имом Муслим ривояти).

“Аллох таоло Исмоил уругини танлади. Исмоил уругидан эса Кинонани, Кинонадан Курайшни, Курайшдан Хошим уругини ва Хошим уругидан мени танлади”. (Имом муслим ривояти)

“Аҳлуссунна вал-жамоа” расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг аёллари, Куръоннинг берган хабарига кўра «Уммахатул муъминийн» “Муъминларнинг оналари”ни яхши кўрадилар. Аллох таоло деди: **“Эй, Пайгамбар аёллари, аёллардан биронтаси каби эмасдирсизлар** (яъни бирон аёл фазлу мартабада сизлар каби бўла олмас). **Бас, сизлар агар такводор бўлсангизлар** (парда ортидан бирон номахрам эркакка жавоб килган пайтларингизда) **майин-назокатли сўз килмангларки, у холда кўнглида мараз-нифок бўлган кимса**



Ислом Нури

таъма килиб колур. Яхши — тўғри сўзни сўзланглар! Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар, (яъни, бесабаб уйларингиздан ташқарига чикманглар, магар бирон хожат учун чикканларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусандек ясанманглар! Намозни тўқис адо килинглар, закотни (ҳақдорларга) ато этинглар ҳамда (барча ишларда) Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига итоат этинглар! Эй, (Пайгамбар) хонадонининг ахли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос.” (Ахзоб: 32, 33).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мухтарама аёллари: Хадича бинт Хувайлид, Оиша бинт Аби Бакр, Хафса бинт Умар ибн Хаттоб, Умму Хабиба бинт Абу Суфён, Умму Салама бинт Аби Умайя ибн Муғира, Савда бинт Замъа ибн Кайс, Зайнаб бинт Жаҳш, Маймуна бинт Хорис, Жувайрийя бинт Хорис ибн Аби Зирор ва Софийя бинт Хуай ибн Ахтобдирлар. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин!

“Ахлуссунна вал-жамоа” уларни барча ёмонликлардан пок ва улар расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунё ва охирадаги аёлларидир, деб эътиқод киладилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Уларнинг афзаллари Хадича бинт Хувайлид ва Оиша бинт Аби Бакрдир — Аллоҳ улардан рози бўлсин” — деб ҳисоблайдилар. Оиша бинт Аби Бакр разаллоҳу анҳонинг барча у кишига тухмат килинган ишлардан пок эканини Аллоҳ таоло Куръон Каримда баён қилди. Шунинг учун ҳам, унга тухмат қилган ҳар бир киши кофирдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Оишанинг бошқа аёлларга нисбатан афзаллиги сариднинг бошқа таомларга нисбатан афзаллиги қабидир” (Имом Бухорий ривояти).



Ислом Нури

- “Хабаш кул” — сўзининг истеъолидан буюк имом — халифа томонидан ўлкалар ва харбий бўлинмаларга таъйин этилган киши тушунилади ва буни “кичик амирлик” деб аталади. Ибн Хажар Аскалоний раҳимахуллох “Фатхул-Борий” китобида Хаттобийдан шундай ривоят килди. У деди: “Гоҳо хаётда бўлмайдиган нарсалар билан мисоллар келтирилади. “Хабаш кул” сўзи амирга итоат этишга буюришнинг энг муболагали кўринишидир. Аслида эса у кулнинг амир бўлиши шаръан тасаввур килинмайди. Бу хадисни буюк имом — халифаликка буриш, халифалик Курайш кабиласига хос эканига далолат килувчи очик хадислар маъноларига кўра жуда узокдир. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Имомлар Курайшдандир. Уларнинг яхшилари яхшиларининг имомларидир. Ёмонлари фожирларининг имомларидир. Хар бир хакдорнинг хаккини беринг! Агар Курайш сизларга аъзолари кесилган хабаш кулни амир килса, унга кулок солиб, итоат этинглар” (Шайх Албоний: “Сахихул-жомеъ”).

“Курайш (кабиласи)дан икки киши тирик экан, бу иш (халифалик) уларда колади”. (Муттафакун алайх).

Курайш кабиласининг бу ишга шариат тарафидан хосланишида уларнинг насаби ва жинсида ўзига хос фазилат — танловнинг борлигидир. Зеро, расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам шундай дедилар: “Аллох таоло Исмоилнинг фарзандлари ичидан Кинонани, Кинона ичидан Курайшни, Курайш ичидан Хошим уругини, Хошим уругидан эса мени танлаб олди” (Имом Муслим ривояти).

Хатто ишнинг динни барпо кила олмай колганида курайшнинг кўлидан кетиши хам, Курайш бошка даврларда динни барпо кила олмайди дегани эмас. Аммо Курайш кабиласига мансуб бўлмаган



Ислом Нури

одамнинг курайшликка зўрдан голиб бўлиб халифа бўлиши пайгамбарлик асосидаги халифалик бўлмайди балки, зўравон подшоҳлик бўлади деганидир.

Хофиз ибн Хажар раҳимахуллох “Фатхул-Борий” китобида шундай дейди: “Иёз — раҳимахуллох — деди: “Халифанинг Курайш кабиласидан бўлиши барча уламолар ўртасида иттифок килинган. Салафларнинг ёки улардан кейинги авлодларнинг биронтасидан бунинг хилофи накл килинмаган” (13/ 128).

- Амир ҳақкига салоҳият, тўғри туриш ва хидоят билан дуо қилиш — салаф солих йўлидир. Имом Барбахой раҳимахуллох ўзининг кийматли китоби “Шархуссунна”нинг 116 - саҳифасида шундай дейди: “Агар бир одамнинг султон (халифа) зарарига дуо қилаётганини кўрсангиз, билингки, у нафс-хавосига учгандир. Агар бир одамнинг султон (халифа)нинг солих бўлиши учун дуо қилаётганини кўрсангиз, билингки, иншааллох, у суннат соҳибидир”.

Фузайл ибн Иёз раҳимахуллох деди: “Агар менда албатта қабул бўладиган битта дуо бўлса эди, мен уни фақат султон ҳақкига қилар эдим. Биз уларнинг гарчи жабр ва зулм қилсалар-да, зарарига эмас, балки, ислоҳлари учун дуо қилишга буюрилганмиз. Зеро, уларнинг жабр ва зулмлари ўзларига, салоҳиятлари эса ўзлари ва мусулмонларнинг учундир”.

Ҳақиқатан ҳам, уларнинг тўғри бўлишлари уммат учун хайрлидир.

Хасан Басрий раҳимахуллох деди: “Аллох сенга офият берсин, билгинки, амирларнинг жабри Аллох таолонинг интиқомидир. Аллохнинг интиқомига қилич билан қарши бўлинмайди. Балки, ундан



Ислом Нури

дуо, тавба ва килган гуноҳларни тарк қилиш билан сақланилади. Аллоҳнинг интиқомига қилич билан қарши турилса, Аллоҳнинг қиличи кескиррок бўлади.

Ривоят қилишларича Хасан Басрий раҳимахуллох Хажжожнинг зарарига дуо қилаётган бир кишини кўрди ва унга: “Сенга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин, ундай қилма. Балолар ўзингиз қилган ишлар сабаблидир. Мен агар Хажжожни четлатилса ёки ўлса, сизларга тўнғизлар ва маймунлар ҳоким бўлиб қолишидан кўркаман” — деди. (Ибн Жавзий: “Одобу – Хасан ал-Басрий”)

- Имом Нававий раҳимахуллох деди: “Муслмонлар имомлари (халифалари)га хайрихоҳ бўлиш — уларга ҳақ бўлсаларгина ёрдам бериш, итоат қилиш, яхшиликка буюриш, оғохлантириш, мулоимлик билан унутган нарсаларини эслатишдир” (“Шарҳу Саҳихи Муслим”: 2/ 241)

- Маълумингиз бўлсинки, халифаликка таъйинланиб ва одамлар унга жамланиб рози бўлган, ёки ўз қиличи билан голиб бўлиб, халифа бўлган кишига итоат этиш вожиб ва қарши чиқиш ҳаромдир.

Имом Аҳмад раҳимахуллох деди: “Волийлар устидан қилич билан зафар қозониб халифа бўлган ва “амирул-мўъминин” деб номланган шахсга, у хоҳ солих ва хоҳ фожир бўлсин, Аллоҳга ва охиратга иймон келтирган одам унга байъат қилмай кечани ўтказиши ва уни халифа деб билмаслиги ҳалол эмасдир” (Абу Яъло: “ал-Аҳкомус-султонийя”).

Имом ибн Хажар раҳимахуллох “Фатҳул-Борий” китобида деди: “Фуқоҳолар қуч билан голиб бўлган халифага итоат қилиб, у билан жиҳод қилишнинг фарз эканига ҳамда унга итоат қилиш, унга қарши



Ислом Нури

чикишдан кўра яхшироқ эканига ижмоъ яъни, якдил фикр билдирдилар. Чунки бунда — кон тўкилишнинг олдини олиш, халкни тинчлантириш бордир” (13/ 90).

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимахуллох деди: “Салтанат соҳиби бўлган имомга қарши чиққан кўпчиликнинг бу чиқишидаги зарар фойдасидан кўра кўпроқ бўлган” (“Минхажус-сунна”: 22/ 241).

Бирок, Аллох шариатини тўхтатиб унинг ҳукмларидан бошқа ҳукм билан ҳукм қилган ҳокимларга итоат қилинмайди. Чунки улар мусулмонлар ишини бажариш, динни ҳимоя қилиб, уни атрофларга ёйиш, шаръий ҳукмларни ижро этиш, чегараларни кўриклаш, даъват қилинганидан сўнг ўжарлик қилиб итоат этмаган кишиларга қарши жиход қилиш, мусулмонларни севиб, дин душманларини душман тутиш каби халифаликдан кўзланган мақсадларини зое қилган бўладилар. Шунинг учун ҳам, ундай одамларда имомлик ҳаққи қолмас. Балки, умматнинг муаммолари билан шугулланадиган ва уммат томонидан вақил қилиб танлаб олинган уюшма (хайъат) уни ўз вақифасидан олиши ва ўрнига имомлик мақсадларини рўёбга чиқарадиган кишини таъйин этиши вожибдир.

“Ахлуссунна вал-жамоа” зулм ва фосиклик қилган имомга қарши чиқишдан қайтарар экан (чунки зулм ва фосиклик динни зое қилиш эмасдир), Аллохнинг шариатини амалда татбиқ этаётган халифани назарда тутганлар. Зеро, салаф солих динни ҳимоя қиладиган халифаликни назарда тутганлар. Балки, улар бундай (динни ҳимоя қилмаган) “халифалик”ни халифалик деб ҳисобламаганлар. Амирлик деганда эса динни татбиқ қилган амирлик тушунилган. Буни қилгандан кейин бошқа ишларда яхши амирлик ва фожир амирликка бўлинган. Алий разияллоху анху: “Одамлар учун яхшидир, ёмондир



Ислом Нури

амирлик бўлиши керак” — дедилар. Одамлар: “Яхши амирликни биламиз, бироқ, ёмон амирлик қандай бўлади?” — деб сўраганларида Алий разияллоху анху: “у билан йўллар осойишта, (исломий) жазолар ижро бўлади, душманларга қарши жиход қилинади ва ўлжалар тарқатилади” — дедилар” (Ибн Таймийя: “Минхажуссунна”: 1/ 146).

- Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анху: “Абу Бакр ва Умарни яхши кўриш иймондандир. Уларнинг афзалликларини билиш эса суннатдир” — деди. Имом Молик раҳимахулох эса: “Салаф ўз фарзандларига Абу Бакр ва Умарни севишни Куръон сурасини ўргатганларидек ўргатар эдилар” — деди (Лалакаий: “Шарху усули ахлиссунна”).

- Саҳобаларнинг ҳаммаси ҳам фитналарга кирмадилар. Фитна кучайган вақтда сонлари ўн минглаб бўлган саҳобаларнинг ўттизга етмаган сонигина фитна тузогига тушдилар. Буни Имом Аҳмад раҳимахуллох “ал-Муснад”ида ишончли ривоят силсиласи билан Ибн Сийридан, Абдурраззоқ эса “ал-Мусаннаф”ида ва Ибн Касир эса “ал-Бидая ван-Нихая”сида ривоят қилдилар.

- Убайдуллох ибн Умар ва Микдод разияллоху анхумолар ўртасида сўз қочди. Убайдуллох Микдодни ҳақорат қилди. Бундан хабардор бўлган Умар ибн ал-Хаттоб разияллоху анху: “Менга ўтқир нарсани олиб келинглар, унинг тилини кесай! Токи бошқалар расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг саҳобаларини ҳақорат қилмасинлар” — деди. (Лалкаий. “Шарху эътиқоди ахлиссунна”).

- Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хонадонини нега севмайлик! Ахир биз улар учун барча намозларимизда салават ва саломлар айтамыз-ку!.



Сарид араблар севиб тановул киладиган таом бўлиб, гўшти узок кайнатиб пиширилганидан сўнг уни суви билан нон тўгралган катта идишга куйилади ва тановул килинади.